



ЎШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 21 май, жума №63 (710)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг республика фуқароларига

МУРОЖАТИ

Хурматли ватандошлар! Яқинда халқимиз муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан белгиланган Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб қонли жангҳоқларда ҳалок бўлганларнинг руҳи поклари ёдга олинди, халқимиз манфаати, Ватанимиз равнақи учун ҳалол меҳнат қилиб, кесалик гаштини суриб яшаётган она-хону отахоналаримизга иззат-икром, хурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бу байрам ўтганлари хотирлаш, тирриклари ҳамиша қадрлаш арий анъаналаримиз эканлиги, бу анъана истиқлол шарофати билан бардавомлик касб этганлигининг яна бир намойиши бўлди. Юрт озодлиги, халқ эркинлиги йўлида жон тиккан, ғайрат-шижоат кўрсатган инсонлар қадриятининг чин посбони истиқлолдор. Бу ҳақиқат халқимиз, айниқса ёшларимиз онгидан мустаҳкам ўйин олишида бу байрамнинг аҳамияти каттадир.

Эл-юрт озодлиги ва мустақиллиги, эркинлик ва адолат тантанаси учун курашган, бу машаққатли йўлда қурбон бўлган инсонлар хотирасини эъзозлашга барчамиз давват этаётган Юртобимиз яқинда яна бир хайрли ва савобли ишга қўл урдиқлар. Президентимизнинг Фармойиши билан мустамлакачилик даврида қатагон қилинган фидойи қиллиш хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди. Фармойишда комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозимлиги алоҳида ўқурилган.

Мана шу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, азиз юртобимиз, сизга мурожаат қиламиз:

- оилангизда, маҳаллангизда, қишлоқ ёхуд шаҳрингизда яшаган, қатагон қурбони бўлган кишилар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар, улар билан боғлиқ буюмлар, яқин кишиларингиздан эшитган хотираларингиз бўлса,
- фуқаролар уруши, коллективлаштириш даври, шахсга сиғиниш йиллари ўз она юртидан қувгин қилинган, яқин ва узоқ хориджада яшаган маҳкум бўлган қариндош-уруғларингиз тўғрисида маълумотлар бўлса,
- «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деган ноҳақ айбловлар жараёнида судланган ва қурбон бўлган яқинларингиз ҳақидаги материаллар бўлса, барча тафсилотлари, ҳужжат намуналари, исми шарифи ва манзиллари аниқ ва холис ёрилган ҳолда мактуб ва бошқа жўнатмалар шаклида ёхуд шахсий мурожаат йўли билан комиссия номига йўллагингизни илтимос қиламиз.

Халқ ва Ватан хуррияти йўлида азиз жонларини фидо қилган ҳар бир ватандошимизнинг исми шарифини тиклаш ва хотирасини абадийлаштиришдай масъулиятли ва савобли иш барчамизнинг сиёсий ва фуқаролик бурчимиздир.

Жамоатчилик комиссияси аъзолари:
Наим Каримов, Аҳмад Алиев, Дилором Алимова, Неймат Аминов, Саид Аҳмад, Холида Ахророва, Набижон Боқий, Хуршид Дўстмухамедов, Бойбўта Дўстқоров, Низомидин Маҳмудов, Собир Мирвалев, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Нодира Рашидова, Шухрат Ризаев, Ҳалим Саидов, Хайридин Султонов, Шерали Турдиев, Беғали Қосимов, Иброҳим Фафуров, Озод Шарофидинов, Ислам Усмоновлар.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, «Маянават ва маърифат» республика жамоатчилик маркази.
Тел: 133-67-91, 139-05-30, 139-05-22.

Республика аёллар спартакиадаси: САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Бир неча кун мобайнида кўна Самарқандда Аёллар йили дастурига кўра Республика аёллар спартакиадасининг яқиний мусобақалари бўлиб ўтди. Саломатлик, гўзаллик рамзига айланган мусобақалар иши аёллар кўп нарсига қодир эканликларини яна бир бор намойиш этди. Улар энгил атлетика кўп кураши, спорт тенниси, шашка, оилавий мусобақалар, волейбол каби спорт турлари бўйича қизгин баҳс юритдилар. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган улкан спорт байрами узоқ вақт барчанинг ёдида қолади.

Республика аёллар спартакиадасига бағишланган мақолаларни газетамизнинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз.

рат қилиш тартибининг учинчи бандини ўзгартирган ҳолда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар алоҳида тартибда тақсимланадиган хорижий валютадаги тушумлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси томонидан ҳар ойда қуйидаги нисбатда тақсимланади:

40 фоизи - бюджет тақчиллигини қоплаш манбаи сифатида, кўрсатиб ўтилган маблағлардан инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлашда мақсадли фойдаланилган ҳолда, давлат бюджетига;

15 фоизи - Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесини қўллаб-қувватлаш фонди («Бизнес-фонд»)га;

15 фоизи - ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш, бозор инфратузилмаси ташкилотларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига;

3 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг хусусийлаштириш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш, инвестиция ва бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича харажатларига;

25 фоизи - идора қилиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси счётига ўтказилади;

25 фоизи - маблағлардан фақат техника билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва айланма маблағларни тўлдирish учун мақсадли фойдаланган ҳолда хусусийлаштирилган қорхоналар ихтиёрида қолдирилади.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир У.Т.Султонов зиммасига юклансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш низо-

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1999 йил 20 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларини бажариш юзасидан жавобгарликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этдики, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларида назарда тутилган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирларини фаол амалга оширишга;

хусусийлаштирилган қорхоналар технология ва молиявий аҳолининг қоникарсизлиги; сармога ва хорижий инвестицияларини жалб қилиш бозоридagi кучли рақобат;

хусусийлаштириш йўлига тўсиқ бўлаётган мураккаб буйруқбозлик аппарати;

хусусийлаштириш ҳамда акциялар сотишлиши жараёнининг амалга оширилиши ва жадаллаштирилиши таъминловчи пухта ишловчи механизмнинг йўқлиги;

хусусийлаштириш жараёнидан ўзларининг фарзали мақсадларда даромад ва дивидентлар олишга интилувчи корпорация ҳолларининг мавжудлиги;

ҳам қуйи тузилмалардаги, ҳам Вазирлар Маҳкамаси аппаратида бўлган юқори даражадаги бир қатор раҳбарлар онгида эски андозалар ва ўзибўларчилик қайфияти сақланиб қолганлиги каби объектив ва субъектив чекловчи омиллар ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги ислохотлар ва инвестициялар бўйича Идоралар мувофиқлаштирувчи кенгашининг 1999 йил 18 майдаги қарорлари мувофиқ ҳамда қорхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, шу жумладан хорижий сармога иштирокида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 1999 йил учун белгиланган топшириқларни сўзсиз бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармогаларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва «1999-2000 йилларда хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва давлат мулкини сотишдан дав-

лат бюджетига маблағлар тушишини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларини бажариш бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти томонидан олиб борилган ишлар қоникарсиз деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари, тегишли вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бирлашмалар раҳбарлари қорхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, акциялар пакетларини ва қорхоналарни хорижий инвесторларга сотиш ҳамда хусусийлаштиришдан олинган маблағларнинг давлат бюджетига тушиши бўйича 1999 йилга белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида оғоҳлантирилсин.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича кўрсатиб ўтилган Ҳукумат қарорларининг бажарилишига раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг республикада амалга оширилган иқтисодий ислохотларга доир фаолияти ва масъулиятини баҳоловчи ҳамда уларнинг эғаллаб турган лавозимлари мувофиқлигини белгилوучи мезон деб қаралсин.

3. Акцияларнинг бир қисмини яқка тартибдаги лойиҳалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ хорижий инвесторларга сотиш бўйича белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси раҳбарларига, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, шунингдек мазкур иловода кўрсатилган қорхоналар, бирлашмалар ва банкларнинг тегишли раҳбарларига юклансин.

4. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдолари ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг сўст ишлаётганлиги, қорхоналарни хусусийлаштириш масалаларини ҳал этишда зарур ташаббус ва теъзорликнинг йўқлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Республика-

сининг Бош вазир У.Т.Султонов тендер савдолари ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг фаолияти тартиби ва йўналишларини ўн кун муддатда тубдан қайта қўриб чиқсин, бунда пиروвард натижада хусусийлаштирилган қорхоналар бўйича тендер ҳужжатлари тайёрлаш муддатларини теъзорлик ҳисобга олган ҳолда, тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясини тўғрисидаги янги низоми икки ҳафта муддатда қайта қўриб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Давлат мулки кўмитаси раҳбариятига Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларининг, айниқса хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармога жалб этишга доир қисмининг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий ишларнинг суътлиги кўрсатиб ўтилсин.

Давлат мулки кўмитаси раҳбариятининг эътиборини зиммасига акциялар пакетларини ва қорхоналарни хорижий сармоядорларга сотиш, валюта ресурсларини хусусийлаштиришдан қўшимча равишда тўлдириш ва давлат бюджетига маблағлар тушишини кўпайтириш бўйича 1999 йил учун белгиланган чора-тадбирлар дастурининг сўзсиз бажарилиши юзасидан асосий масъулият юкланганлигига қаратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Молия вазирлиги давлат мулкини хорижий сармоядорларга сотишда акциялар ва хусусийлаштирилган қорхоналарнинг тақдирини тақдир қилиш ва шунингдек миллий валютага сотиш; қорхоналарни тайёрлаш ва чет элда сотиш жараёнига йирик хорижий молиявий воситачиларни, баҳолаш ва аудиторлик компанияларини, реклама агентликларини жалб этиш, улар фаолиятига хусусийлаштирилган объект ёки акцияларни сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобига ҳақ тўланиши мумкин;

сансалорлик, буйруқбозлик, объектларни хусусийлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш муддатларини қўзиб юбориш ҳоллари ҳамда хорижий сармоядорларга қорхоналар ва акциялар со-

тишни теъзорлаштириш бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилиш.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда, юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясини тўғрисидаги янги низоми икки ҳафта муддатда қайта қўриб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Давлат мулки кўмитаси раҳбариятига Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларининг, айниқса хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармога жалб этишга доир қисмининг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий ишларнинг суътлиги кўрсатиб ўтилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси раҳбариятига Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларининг, айниқса хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармога жалб этишга доир қисмининг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий ишларнинг суътлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси раҳбариятига Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларининг, айниқса хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармога жалб этишга доир қисмининг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий ишларнинг суътлиги кўрсатиб ўтилсин.

ЯНГИ СИҲАТГОҲ

Сурхон воҳасининг Олтинсой туман марказидан 30 чакирим наридаги Хўжайпоқ ота зиёратгоҳи яқинида, пурвдор тоғлар ва азим дарё ораллиғида 100 ўринли янги сиҳатгоҳ қурилиши бошланганига ҳам анча бўлди.

Сиҳатгоҳни бунёд этишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўз оталиғига олган. Бугунги кунда бу ерда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётти. 165-Олтинсой қурилиш ҳиссасдорлик жамияти ҳамда 276-механизациялашган кўчма жамланманнинг қўли гул бунёдкорлари суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар. Даволаниш ва дам олиш хоналари, ошхона, чўмилиш ҳавзаси ва бошқа зарур биналар кун сайин қад ростламоқда. Қурувчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

(ЎЗА)

ТАРИХ ДАРСИ МУЗЕЙДА УТМОҚДА

«Асакаёғ» ҳиссасдорлик жамияти Маданият саройида ташкил этилган музейда мактаб ўқувчиларининг Ватан тарихи дарсларини ўтказиш яқин анъана бўлиб қолди. Музей залларида мамлакатимизнинг тарихи, айниқса мустақиллик йилларидаги буюқ ўзгаришларга оид ҳужжатлар, фотоматериаллар, мақола ва лавҳаларга кенг ўрин берилганлиги дарсларнинг жонли ва эсда қоларли ўтишига имкон бермоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, музей ёнида салкам саккиз мингта китоб, вақтли матбуот фондига эга бўлган кутубхона мавжуд.

(ЎЗА)

Маълумки, 1992 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Америка Қўшма Штатлари Халқаро Ривожланиш Агентлиги (ЮСАИД) ва Америка Халқаро соғлиқни сақлаш Иттифоқи (АМСС) ҳамийлигида Тошкент Давлат иккинчи тиббий институтини ва Чикагодаги Иллинойс Университетининг Тиббий Маркази ўртасида Меморандум имзоланган эди.

Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари этиб оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳамширалик ишининг ислохоти, шифохоналарни бошқариш ва маблағ билан таъминлаш, тиббий ўқув юрталарида ўқитиш ва билимини текшириш жараёнларини чуқурлаштириш каби вазифалар белгиланган эди. Юқоридаги Меморандум имзоланган ўтган давр мобайнида ҳамкорлик дастурини тўлалигича бажаришга муваффақ бўлинди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бевосита ёрдамида институт қошида «Неонатология ўқув Маркази», «Тиббий ҳамшираларни қайта тайёрлаш ўқув Маркази» ва «Аёллар соғломлаштириш Маркази» каби бир қатор марказлар очилган бўлиб, уларни ўқув анжомлари, муляж, компьютер ва техник жиҳозлар билан АҚШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги ҳамда Америка Халқаро соғлиқни сақлаш Иттифоқи таъминлади.

Ушбу ҳамкорлик натижаларидан руҳланган Америка Қўшма Штатлари Халқаро Ривожланиш Агентлиги ҳамда Америка Халқаро соғлиқни сақлаш Иттифоқи мазкур институт ва Америка Қўшма Штатларидаги Вирджиния штатининг Ричмонд шаҳри тез тиббий ёрдам бошқармаси ўртасида янги ҳамкорлик тузиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади. 1999 йилнинг 21 январиди имзоланган Меморандумга асосан Тошкент Давлат иккинчи тиббий институти қошида ташкил этилган «Республика шовилинч тиббий ёрдам ўқув Маркази»ни ривожлантириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда ушбу марказ Республикадаги тез тиббий ёрдам хизматининг шифокорлари, тиббий ҳамширалари ва ҳайдовчилари учун таянч ва ўрта босқич курс-

АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Тошкент Давлат иккинчи тиббий институтини қошидаги «Республика шовилинч тиббий ёрдам ўқув Маркази» хуусида хорижликлар, мутахассислар фикри

ларини ўтади. Бу курслар Америка Қўшма Штатларининг Ричмонд ва Остин шаҳарларида ҳамда Россияда малака ошириб қайтган маҳаллий кадрлар институтининг анестезиология ва реаниматология кафедрасининг етакчи шифокорлари томонидан олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу Марказнинг ташкил топишида Республика Президентининг Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг Давлат дастури тўғрисидаги Фармони асосий ташаббус вазифасини ўтади. Марказ мамлакатимизда тиббий ривожнинг тараққиёти йўлида хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Марказ биносини таъмирлаш ва меъёл жиҳозлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилди. Ўқув куроллари, маникенлар, компьютер ва техник жиҳозлар эса Америка Халқаро Соғлиқни сақлаш Иттифоқи томонидан тақдим этилди.

АҚШнинг «Амерджинс Медикал Сервис» тез тиббий ёрдам базасида икки ҳафта мобайнида ўқиб, «Республика шовилинч тиббий ёрдам ўқув Маркази»да ўқитилган курсларни олиб бориш учун тайёрларлик қўриб келдик, дейди институтнинг анестезиолог-реаниматологи Зоир Фозиев. Марказда асосан беморга касалхонага келгунга қадар биринчи шовилинч тез тиббий ёрдам қўрсатиш усуллари ўқутилиб, маникенлар орқали амалиётга ўргатилади.

Ўқиб муддати 2 ҳафта давом этиб, унда республикаимизнинг барча тез тиббий ёрдам хизмати шифокор ва ҳамширалари, тиббий ходимлари, тез ёрдам машинаси ҳайдовчиларини ўқитиш мўлжалланган.

Яқинда Тошкент шаҳрининг тез тиббий ёрдам курси хизмати ходимларининг бир қисми - биринчи қалдирғочлар ўқув курсларини тугаллаб, Марказ сертификатларини олишга муяссар бўдилар.

Мен «Республика шовилинч тиббий ёрдам ўқув Маркази»ни аъло даражада ташкил қилинган марказ деб ҳисоблайман, - дейди Ричмонд шаҳри тез тиббий ёрдам бошқармасининг ижрочи директори Джерри Овертон. - У врач ва фельдшерларни, ҳамшираларни биринчи ёрдам қўрсатишга ўргатиш ва инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун беминнат хизмат қилади. Марказнинг аҳамияти жуда беқийёсдир. Аввало янги Марказда малакали биринчи тиббий ёрдам қўрсатишни пухта эғаллаган кадрлар тайёрлаб берилади. Турли жароҳатлар, юрак-ўпка касалликлари, педиатрия ва акушерлик каби фаолиятларда қўрсатиладиган дастлабки шовилинч тиббий ёрдам усулларини тўғри ўлаштириш эса инсон ҳаётини сақлаб қолиш демакдир. Иккинчи аҳамиятли томони шундаки, мавжуд бўлган ресурслар базасида даволаш ва профилактик ёрдамни кенгайтириш ҳам мумкин. Асосий усуллар ўқувдан сўнг бизнинг кейинги ҳамкорлигимизда бахтсиз ҳодисалар юз берганда тиббий ёрдам қўрсатиш ўқувини бериш режалаштирилган. Шунингдек, юқоридаги вазиятларда профилактик ва чуқурлаштирилган билим бериш ҳам мўлжалланган.

Бундай марказ жуда зарур эди, - дейди пойтахтнинг 7-тез тиббий ёрдам хизмати мудири Лариса Таньчева. - Чунки маникенларда қайта-қайта машқ қилиб керагича қўника олиш, амалиётни мустаҳкамлаш мумкин. Машқ ва ўқув эса малака оширишнинг асосий ва муҳим воситасидир. Бу тиббий ёрдам жуда муҳим аҳамият касб этади. Тиббий ёрдамнинг учун қўшни амалиётга ўргатишда энг замонавий ўқув жиҳозлари, кўп функцияли тренажерлар билан таъминланган ушбу Марказ катта ёрдам беради.

Муҳаббат ҲАМИДОВА, «Ўшонснинг махсус мухбири»

Ўзбекистон-АҚШ:

МУНОСАБАТЛАРИМИЗ-ЯҚИН, ҲАМКОРЛИГИМИЗ-МУСТАҲҚАМ

Президент Ислам Каримовнинг Парламент охириги сессиясида сўзлаган маърузаси Ўзбекистонда қандалик жадал ва пухта ўрганилиб, унда кўрсатилган устувор йўналишлар изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этила бошланса, мамлакатда кечаётган ислохотлар жараёни янада чуқурлашиши учун қулай имконият шунчалик тезроқ яратилиши мумкин. Америка Қўшма Штатлари Савдо вазирлигининг маслаҳатчиси Ян Калици USIS (Қўшма Штатлар Ахборот хизмати)нинг Тошкентдаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида аяна шундай фикр билдирди.

Албатта, мамлакатимиз раҳбарининг худди шу маърузаси анча илгарироқ -Ислам Каримовнинг апрел ойидаги Вашингтон сафари пайтида АҚШ Давлат қотиби Мадлен Олбрайт, Халқаро Валюта Жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш.Сугисаки, Европа Иттифоқи Комиссияси Комиссари Ханс Ван Ден Брук каби халқаро нуфузга эга арбоблар тамонидан юксак баҳоланганлигини назарда тутсақ, Қўшма Штатлар Савдо вазирлиги маслаҳатчиси-нинг юқоридаги фикри бироз эскиргандек туюлади. Айни чоғда, айтиш жоизки, Ян Калици ўзининг ана шу янгилик бўлмаган фикри билан ташқи дунё вакилларининг Ўзбекистон Президенти маърузасига нисбатан муносабатлари қанчалик самимий эканлигини яна бир қарра исботлаб берди.

Шунинг баробарида, Я.Калици Ислам Каримов маърузасининг Ўзбекистон иқтисодиёти ўзгаришларига алоқадор ўринларини, айниқса, ундаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини қайта қўриб чиқиш», Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришиш, «2000 йилдан бошлаб миллий валютани эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш», «давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар тамонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашини чеклаб қўйиш» каби оқилона ислоҳий фикрларни мутахассис сифатида тўла қўллаб-қувватлашни билдирди.

Америкаликлар АҚШ Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритаётган энг йирик давлатлар ичида пешқадам эканлиги билан фахрланишарди, деб таъкидлади жаноб Калици. Маълумки, Ян Калици Ўзбекистон-АҚШ Қўшма комиссияси таркибидagi савдо, сармоя ва энергетика бўйича Ўзбекистон-Америка қўмитасига АҚШ томонидан (Ўзбекистон томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ганиев) ҳамраис ҳисобланади. Қўшма комиссиянинг дастлабки сессияси ўтган йилнинг феврал ойида Вашингтонда бўлган эди. Навбатдаги сессияси эса шу йилнинг 24-25 май кунлари Тошкентда ўтказилади.

Ян Калицининг айтишича, ана шу бўлажак анжуманда Қўшма комиссиянинг мавжуд тўртта қўмитаси ўз соҳалари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобат бериши тақозо қилинади. Иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар кўпроқ вақт эгаллашни ҳисобга олиб, белгиланган вазифаларни тўла бажариб улгуриш мақсадида бизнинг қўмитаси Ўзбекистондаги фаолиятини бир ҳафта олдин бошлаб юборди, дейди америкалик меҳмон.

Дарҳақиқат, куни кеча мамлакатимиз пойтахтида АҚШ Савдо вазирлигининг маслаҳатчиси бошчилик қилаётган ҳукумат делегацияси иштирокида Савдо, сармоя ва энергетика бўйича Ўзбекистон-Америка қўмитасининг йиғилиши бўлди. 1998 йилнинг апрелидан сўнг иккинчи марта ўтказилаётган ушбу қўмита йиғилишида икки томонлама савдо-сотиқ муносабатларига дахлдор барча йўналишлар, бундан ташқари, энергетика соҳасини ривожлантириш жабҳасида ўзаро ҳамкорликни, савдо ва сармоявий муносабатларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон-АҚШ комиссиянинг иккинчи сессияси доирасида ўтган қўмита йиғилиши ниятида Қўшма баёнот имзонланди. Баёнот, мазмун-моҳиятига кўра, икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қиладиган аниқ чора-тадбирлардан иборат экани диққатга лойиқдир.

Фулум МИРЗО, «Туркистон-пресс» мухбири

Табиат ва инсон

Бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири экологик мувозанатни яхшилашдир. Бунда ўсимлик дунёсининг ҳолати асосий омиллардан бири ҳисобланади. Лекин ўсимлик оламига бўлган бефарқлик, ундан бир томонлама фойдаланиш республикамиз, қолаверса минтақамиз флорасининг қашшоқлишига олиб келмоқда. Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимиз флорасининг 8 фоизи «Қизил китобга» киритилган. Бу эса ўз навбатида ўсимлик оламини кўриқлаш, уни янгилири билан бойитишни талаб этади. «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ботаника институти ва Ботаника боғи, Республика табиати муҳофазаси Давлат қўмитаси, Оммавий ахборот воситаларини қўллаш ва оммавий-сиёсий демократия фонди, «ЭКОСАН» Тошкент клуби томонидан ташкил этилган халқаро учрашув мавзуси ҳам ўсимлик дунёсининг ҳозирги тараққиёти ва муаммоларига бағишланди. «Усимлик ва инсон» деб номланган йиғилиш пойтахтининг Ботаника боғида бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўсим-

лик оламини сақлаш ва ривожлантириш бўйича республикамизда, хусусан пойтахтимизда олиб бораётган ишлар ҳамда бу борадаги муаммолар ҳақида гапирдилар. Жумладан Ботаника институти ва Ботаника боғи директори Озодбек Аширматов шундай деди: «Ҳозирги кунда Ботаника боғининг 66 гектаридан

ги ва фармакология соҳасида таълим олаётган талабалар учун асосий ўқув манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари боғ ҳар йили шаҳарларимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш учун манзарали дарахт ва бошқа ўсимлик турларини етиштириб беради. Айни кунларда боғнинг иссиқхона ва

айниқса, йўқолиш арафасида турган лола, пиёз, ширач, зафарроқ каби-ларни муҳофаза қилиш ишлари кенг қамровда олиб борилмоқда. Шунингдек, боғда муаммо ва қийинчиликлар ҳам етарли. Масалан, бундан ўн-ўн беш йил илгари дарахт, бута ва ўсимлик дунёсининг бошқа турлари олти мингдан ортиқ бўлган бўлса, ҳозирда шундан 4,5 мингдан сал ортиқроғи сақлаб қолинди. Боғни қайта реконструкция қилиш муаммоси ҳам бугунги кунда долзарб бўлиб турибди. Бунда техникдан кенг фойдаланиш керак бўлади. Аммо ҳозир бу ерда техниканинг ўзи йўқ, Ушбу учрашувни ўтказишдан бош мақсад ҳам элчиона ва халқаро ташкилот вакиллари, олимлар ҳамда тадбиркорларни боғ фаолияти билан ақиндан таништириш, шу аснода уларни жамоа олдига турган муаммоларни ҳал қилишда иштирок этишга чорлашдир.

Учрашувда Ботаника боғи ватанимизнинг ноёб бойлиги ва ифтихори эканлиги, шу босиб бу очик ҳавадаги музейни эъзозлаш, асраш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Фулум ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

ВАТАНИМИЗНИНГ НОЁБ БОЙЛИГИ

40 гектар майдони Шарқий Осиё, Шимолий Америка, Марказий Осиё, Узоқ Шарқ, Европа, Кавказ минтақаларининг дендрофлорасини ўзида жамлаган. - Шу билан бирга бу ерда ўсимликларнинг биология ва систематикасига оид, карантин ва доривор ўсимликларни етиштирувчи тажриба майдонлари, иссиқхона ва оранжериялар мавжуд. Боғда жамланган дарахт, бута, чала бута, лиана, ўт ва сув ўтлари ботаника фанининг турли йўналишларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, биология, кишлоқ хўжали-

оранжерияларида ер шарини турли бурчакларидан келтирилган тропик ва субтропик минтақаларига хос ўсимликларнинг 800 дан зиёд турлари ва навларни етиштирилмоқда. Биологик майдонда ўсимликларнинг турли ҳаётий шакллари билан танишиш имкони яратилган. Шу майдонларнинг ўзида интродукция қилинган ва иқлимлаштирилган дарахт ва буталарнинг камб ва қимматбахо тур ҳамда навлари уруғидан ёки пайвандлаш усуллари билан кўпайтирилади. Бу ерда ўсимликлар оламини,



Берлиндаги Брандербург дарвозаси

OLAMDA NIMA GAP

П Е К И Н. Португалия ташқи ишлар вазири Жайми Гама расмий таширф билан Хитойга

келди. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг музокаралида Порту-

галия тасарруфидаги Макао оролининг /Аомэнь/ Хитой ихтиёрига ўтказилиши билан боғ-

лик масалалар кўрилиши режалаштирилган. Узро келишувга биноан, Макао декабр ойида Хитой тасарруфига ўтиши керак. Лекин томонлар ҳалигача оролда португал тилининг макен, Португалия фуқароси бўлган маколикларнинг тақдирини, шунингдек, декабрдан сўнг оролда Хитой ҳарбий гарнизонининг жойлаштирилиши билан боғлиқ масалалар хусусида бир тўхтамага келмаган.

ДЕ Х Л И. Шу кунларда Хиндистон қуролини қулчари тамонидан Жамму ва Кашмир штати худудига кирмоқчи бўлган покистонлик ҳарбийлар ва айирмачи диндорларнинг 50 нафари ўлдирилди. Хиндистондаги мансабдор ҳарбийларнинг таъкидлашича, Жамму ва Кашмирга ўтган ҳафта 350 нафар ҳарбий ва айирмачи кирган. Улар штатнинг Каргил секторидagi қатор тепалиқларни ишғол қилиб, сўнгра ўша

«ИСТИҚЛОЛ» ГОЛИБЛАРДАН БИРИ

Республика ёшларининг «Қамолот» жамғармаси Юқори Чирчиқ туман бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими биргаликда туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Мен ўзбек тилида сўзлашман» кўрик - танловини ўтказишди. Туман кўрик-танловида 19-ўрта мактабнинг «Истиклол» гуруҳи ўқувчилари фахрли 1-ўринни қўлга киритиши вилоят кўрик-танловида иштирок этиши учун йўлланма олишганди.

Яқинда шу мактаб ўқувчилари Олмалик шаҳрида бўлиб ўтган ана шу мавзудаги вилоят кўрик-танловининг финал босқичида иштирок этишиб, фахрли ўринни эгаллашди.

Ўқувчилардан Наталя Мун, Илья Ли, Ира Ким, Лена Алламуратова, Оксана Цой, Оля Цой, Уляя Когай, Ира Лияр кўрик-танлов шартлиги бўйича муваффақиятли иштирок этишиб, ўз ҳиссаларини қўшишди.

Фолибларга «Қамолот» жамғармаси ҳамда вилоят халқ таълими бўлимининг қимматбахо эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари топширилди. Латифжон МАНСУРОВ.

ерда туриб, Хиндистон қўшинлари истеҳкомларига зарба беришни мўлжаллаган. Икки ўртада юзага келган қучли қуроли тўқнашув натижасида Хиндистон томони ҳам жиддий талафот кўрган. Маълумотларга кўра, жангларда йигирмадан ортиқ хинд ҳарбийси ҳалок бўлган.

К У Д Д У С. Исроил ҳарбий авиацияси яна «Хизбуллох» ташкилотининг Ливан жанубидаги қароргоҳларини бомбардирмон қилди. Маълумотларга қараганда, бу сафар ракетаалар мўлжали Ятир қишлоғи бўлган.

Шундай қилиб, йил бошидан буён Исроил армиясининг Ливан жанубига қилган ҳаво ҳужумлари сони 57 тага етди. Сўнгги операция «Хизбуллох» жангарилари томонидан бир неча кун илгари Исроилнинг шимолий худудларини ўққа тутганига жавоб тариқасида амалга оширилди.

(ЎЗА)

САЛИМА ОПАНИНГ ГУЛЛАРИ

Мамлакатимизда хотин-қизлар юксак эъзоз ва ҳурматда эканлиги Салима Абдураззоқовани кўлига мўйқалам олиб турфа гуллар чиқишга илҳомланганди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида унинг илк шахсий кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма очирилишида турли ташкилот, жамғарма ва муассасалар раҳбарлари, республикамиздаги чет эл элчионалари ва ваколатхоналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Аёллар йили дастурига мувофиқ мамлакатимизда, шаҳримизда кўпплаб тадбирлар амалга оширилляпти, - деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. - Лекин бугунги, гўёки жаннат гуллари уфуриб турган, нозик дид ва катта маҳорат билан яратилган ранг-баранг гуллар дастасидан иборат кўргазманинг ўзгача файзи, ўзгача шукухи бор. Бу нафис гулларда ўзбек аёлларининг юксак дид, маҳорат ва истеъдоди, беғубор қалби ўз аксини топган.

Салима опанинг мутахассислиги - шарқшунос, узоқ йиллар давомида Республика амалий санъат музейида ишлаган. Кейинги вақтда опа ўзининг иккинчи истеъдодини намойиш этиб, сув бўёқда нафис ва чиройли гуллар чизмоқда. Зеро, гул табиатининг аёл каби гўзал ва бетакрор мўъжизасидир.

Зухра УСМОНОВА.

Вилоят мухбирини излаганлар кўп бўлади. Бу гал иш кабинетим эшигидан бир аёл ийманибгина кириб келди. - Уйчи туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси Муқаддам Нурматован, - деди у, - отам, туманининг собиқ халқ таълими бўлими мудири Ҳабибулло Нурматов тақдирини хусусида келдим. Отамга нисбатан қаттиқ адолатсизлик қилинди.

- Нима учун ўзлари келмадилар? - Ҳамма гап шунда-да. Одамлар ишдан бўшаганига чидамасдан энди газетга шикоят қилибди, деган гап-сўзлардан хижолат қилалаяптилар... Ҳабибулло Нурматовни эсладим. вилоят «Билим» жамияти раҳбари бўлиб ишлаётганидан танирдим. Бунгача Наманган Педагогика институти сиртки бўлимини битирганлиги, кейинроқ туманда масъул лавозимларда ишлаганлигини билардим.

Эртасига Х.Нурматов билан кўришдик. - Жуда қизиқ бўлди-да, - гап-гап кулимсиради у, - Ҳаётинг биз билмаган «хунарлари» кўп экан. Қаранг, салкам икки ойдан бери ишдан бўшаганимни ҳам, бўшаганимни ҳам билмайман. Бирон жойга жойлашай, десам, ишдан озод этилганим тўғрисида буйроқ йўқ. Буйроқсиз эса меҳнат дафтарида беришмайди. Охирида иш ҳам тақлиф этган бўлишди. Аммо шунга «уйин» қилишди-ки, мабодо ўша ерга борсам, оиламиз учун катта кўнгилсизликлар бўлиши мумкин эди. Шунинг учун тавсия қилган ишларидан воз кечдим.

Хўш, гап нима устида бораяпти? Нурматов фаолиятида қандай воқеа юз берди? Нима учун унга нисбатан адолатсизлик қилинди? Келинг, гапни бир бошдан бошлай қолайлик.

Ўтган йилнинг 5 августиди, куннинг иккинчи ярмида ҳокимликдан 6 август куни туман фаолларининг йиғилиши ўтказилиши, ушбу анжуманга барча мактаб директорлари қатнашишлари шартлиги юзасидан кўрсатма олинди. Мудирнинг роса боши қотди. Ахир директорларнинг кўпчилиги ўқув йили тугагандан сўнг мактабларни таъмирлаш масаласи билан шуғулланиб, меҳнат таътилига чиққан. Баъзи бирлари ўқишга қираётган фарзандлари ортидан овора, турли шаҳарларда юри-

шибди. Яна бир қисми тирикчилик дегандек, деҳқончилик билан банд. Мудир юрак тубида уйғонган санчиқни йўқотиш учун кўрқанини силаганича ўйга ботди. Ҳокимнинг қизиқ одалари бор-да. Икки-уч марта турли масалалар билан қабулига кирди. Ҳар сафар ўринбосарини чақиради. Навбатдаги йиғилишда эса худди ўша масалани эслатиб «пўстагини қоқди». Ион ойида ўтказилган йиғилишда ана шундай ҳолат юз берди. Арзимаган нарсадан жанжал чиқариб мудирнинг дунёсини қоронғу қилди. Юрагини ушлаб қолган Х.Нурматовни «Тез ёрдам» тўппа-тўғри юрак-қон томирлар касаллиги бўлимига олиб кетди. Мудир касалхонадан чиқиб, иш юзасидан, ҳам туманининг бир раҳбар ходими сифатида ҳокимга учраб қўймоқчи бўлди. Сиз, эҳтимол юз берган ўша ҳолат учун ҳоким юзак бўлса-да ҳол-аҳвол сўраб қўйгандир, дерсиз. Адашасиз. Унинг мудирга айтган сўзлари шу бўлди: - Қаёққа йўқолиб кетдинг, бездельник!

Маънавий эзилишлардан соғлигини йўқотган Х.Нурматов яқин танишларидан бирига юрагини очди: - Содда экансиз-ку, - деди шериғи унинг гапини бўлиб. - Шу маҳалгача эшитмаганингизга ҳайронман. Ҳоким бошқа бировга ўрниниғизни ваъда қилиб қўйган. Мақсади сизни ишдан безитиш... Х.Нурматов эртасига вилоят халқ таълими бошқармасига учрашиб, ўз вазифасидан озод қилишларини сўради. - Аввал август кенгашини ўтказиб олайлик, - дея мужжал жавоб қайтаришди у ердигилар.

Орадан сал вақт ўтмасдан яна фавулодда ҳодиса руй берди. Вилоят «Наманганская правда» газетасида 45-мактаб ўқитувчиси В.Вахтелиннинг қишлоқларда спорт иншоотларини бунёд этиш муаммоларига бағишланган мулоҳазаларига мақола босилиб чиқди. Х.Нурматов тагин балага қолди. - Мен учун халқ таълими бўли-

ми мудирини ўлган. Қўл остидаги ходимлар қандай иш билан шуғулланаётганлигини билмаганидан кейин унинг нима кераги бор. Ажабо, мамлакатимиз демократик тамойиллар асосида ривожланиб бораётганлиги, жумладан матбуотимиз мустақил эканлиги, унда ҳоҳлаган одам ўз фикрини эркин ифода этиши мумкинлигини наҳотки, олим одам тўшунмас! Очигини айтганда, бунақа писандалар, хўрлашлар оддий ҳолга айланиб қолганди...

Хуллас, мудир мактаб директорларига «чоплар» жўнатди. Ажабланирлиси, йиғилиш бошланган ҳамона ҳокимни мактаб директорларининг неча фоизи қатнашаётганлиги қизиқтирди. Табиийки, юқорида тилга олиб ўтилган сабаблар туфайли уларнинг ярмигисиз келиб улгурганди. - Тур ўрингдан, ишқамас! - ҳокимнинг дағдағасидан Нурматов қаттиқ изтиробда қолди. - Ҳозирроқ ишдан бўшаш юзасидан аризангиз ё!

Кўпчилик олдида, биринчи навбатда ўз ходимлари олдида шайни, обрўсиз оёқости қилинган Х.Нурматов дарҳол залдан чиқиб кетди. Сал ўтмасдан ҳоким ўринбосари Холисхон Жалилова унга етиб олди. - Шу ернинг ўзида аризани ёзиб берар экансиз. - Идорага бориб бафуржа ёзиб берарман. Ахир шундай шароитда директорларни йиғиш қанчалик қийинлигини бошқалар билмасиз ҳам сиз тўшунасиз-ку!

Шу пайт ўн нафардан ортиқ директорлар залга кириб келишди. - Йиғилиш ҳокимликда ўтказилади, дейилганига биз ўша ерда тўпланган эдик. Дарҳақиқат, дастлаб ҳокимликда деб айтилганди. Лекин кечга яқин жой ўзгаририлиб, туман Маданият саройига кўчирилганди. Х.Жалилова энди ялининишга тушди:

- Агар ариза ёзиб бермасангиз, ҳоким мени тинч қўймайди. Кейин мудирнинг кўнглини кўтарган бўлди. - Сизга ўзингизга боп бошқа иш топиб берарканмиз. Х.Нурматов ҳокимнинг бу хатти-ҳаракати қонунга зид эканлигини тушуниб турар, лекин аёл кишининг тинимсиз ялиниб-ёлворишига чидаб тура олмади. «Нима бўлса бўлди, битта ариза ёзиш билан иш ҳал этилмайди-ку» деган ўйда шу ернинг ўзида теннис столи тахтачасига энгашган кўйи ҳоким ўринбосари илтимосини адо этди. Ҳокимлик «изчиллик» кўрсатди. Эртасигаёқ вакил бориб туман халқ таълими бўлими ходимларига мудир ишдан бўшатилганлигини эълон қилиб қайтди. Х.Нурматов учун югур-югурлар, сарсон-сарсон бошланди...

Дастлаб ўн беш-йигирма кун бутун вужуди қулоққа айланиб чақириб қолтиларини кутди. Охири, тоқати тоқ бўлиб ҳокимликка ўзи борди. У ердигилар «катта»нинг ҳовури пасайишини куттишни масъулат беришди. Орадан ўттиз беш кун ўтди. Х.Нурматовга энг алам қилгани ҳалигача унинг ишдан бўшаганлиги ҳақидаги буйруқнинг чиқмаганлигида эди. Вилоятдаги тегишли жойларга учради. Улар ҳам масала туман ҳокимликда ҳал бўлишини айтишди. Ниҳоят, орадан 52 кун ўтган, вилоят халқ таълими бошқармасининг Х.Нурматовнинг «ўз аризасига биноан лавозимидан озод этилганлиги» юзасидан чиқди ва у бошқа «иш билан ташминланди».

Кўштироқ ичига олинган жумлага эътибор бергандирсиз. Бойси унинг ишлашга маънавий ҳақи бўлмаган жой кўрсатилганди. Яъни ўша мактабда қудаси (қизи келин бўлиб тушган хонадон соҳиби) ишлар ва у ҳам арзимаган сабаб билан мудирдан сўнг вазифасидан озод қилинганди. Х.Нурматов бундай ноҳолис «меҳрибонликка» рози бўлмади. Туман ҳокимлиги эса «биз иш билан ташминланганимиз» дея оёқ тил-

раб туриб олди. Қарабсизки, ўттиз икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган инсоннинг вақтлари туман ва вилоятдаги идораларга бўзчинлик моқиссидаги қатнаш билан ўта бошладди. Ниҳоят, орадан ўн ой ўтгандан сўнггина унга иш берилди. 9 йиллик мактаб директорлигига ўтказилди.

- Ҳақиқатдан ҳам Х.Нурматовнинг фуқаро сифатида меҳнат ҳуқуқи бузилган, - дейди бу ишдан яхши хабардор бўлган вилоят касабга уюшмалари кенгаши меҳнат ҳуқуқи бош инспектори Гофиржон Каримов. - Ишдан бўшатиш учун мажбуран ариза ёздирининг ўзи бунинг яққол исботидир. Агар ҳодим хатога йўл қўйса, интизомий чора қўрилади. Масалан, хайфсан эълон қилиш ёки жарима солиш жазолари қўлланилиши ҳам мумкин. Бинобарин, биз Х.Нурматовнинг бекор юрдан 52 кунини учун ўртача маош миқдорига пул ундириб берилиши таъминланиши ўқтириб, касабга уюшмалари туман тармоқ қўмитасига маслаҳат берганмиз. Шикоятчининг битта камчилиги шуки, баъзи жойларга ўз ҳақи-ҳуқуқи бузилганлигини сўраб, кечикиб мурожаат қилган?!

Ҳуқуқшунос Ф.Каримов таъкидлаганидек, Ҳабибулло Нурматов юзотириқчиликка борган ва шу сабабли айрим ташкилотларга кечикиб мурожаат қилган. Сиртдан қараганда шундай туюлади. Бирок ён дафтаридаги ёзувларга эътибор қилсангиз, туман ва вилоятдаги тегишли идораларга 23 марта борганлиги қайд этилган. Улар масалани ҳал этишни орқага суришган, холос. Бу ерда масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Хўш, ишловчининг ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш зиммасига юклатилган туман касабга тармоқ қўмитаси қаёққа қаради? Ахир бу ишларнинг барчасидан хабари бор эди-ку! Воқеаларнинг бари унинг кўз ўнгига юз бермаганидир! Нима сабабдан келишувчанликка йўл қўйди ва касабга уюшма аъзосини ҳимоя қилишга бел боғламади? Ҳеч бўлмаганда маошини ундириб бериш чорасини кўриши мумкин эди-ку.

Вақт ўтиши билан ҳаёт ҳаммасини жой-жойига қўйди. Туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги хатоликлари учун ҳоким Турсунопўлат Мирзамаҳмудов ўз вазифасидан бўшатилди. Лекин Ҳабибулло Нурматовнинг тақдирини билан боғлиқ муаммолар ҳамон ҳал этилгани йўқ. Ҳайратангиз, тегишли ташкилотлар бу масалада адолат қиладилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Аёллар йили дастури амалда САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Аёлни кадрлаган, эъзозлаган халқ хамиша улугдир. Хурматли Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1999 йил - Аёллар йили деб эълон қилиниши хотин-қизларга эътиборни янада кучайтириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, жамият ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштириш борасидаги ишларни янги поғонага кўтариш имконини бермоқда. Республика аёллар спартакиадаси бунинг ёрқин мисолидир. Кувончлиси шуки, ажойиб спорт анжуманлари «Соғлом авлод учун» дастурини муваффақиятли амалга ошириш йўлидаги дадил қадамлардир. Аёллар спартакиадаси том маънода саломатлик, гўзаллик, ёшлик ва ўзаро ҳамжихатлик рамзига айланди.

Унутилмас кунга пухта тайёргарлик кўрилди. Кўпдан-кўп ташкилот, муассаса, корхоналар улуг ишга мамнуният ила ҳисса қўшдилар. Бунда спорт одамларни, халқларни бирлаштиради, деган нақнинг нақадар чуқур маънога эга эканлиги яққолроқ намоён бўлди.


Таъкидланишича саломатлик ва гўзаллик байрамига тайёргарлик жараёни спортни оммалаштириш ва тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аёлларни улуглаш гоёсини омма тафаккурига янада чуқурроқ сингдириш, ҳайрият тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳаракати билан уйғунлашиб кетди. Спартакиада арафасида спорт фахрийларини улуглаш, бу йўналишда ташаббус кўрсатаётган жамоаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам ибратли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг Сибё туманидаги Юсуфхорат маҳалласида спартакиада ташкилий кўмитаси,

касаба уюшмалари, хокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг Хамроқуловлар оиласи билан учрашуви бўлди. Эътиборлиси шуки, бу ажойиб оиланинг уч азамат фарзанди катта спортда ўз мавқеини эгаллаган. Иброҳим Хамроқулов шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Оила бошлиғи Шохобиддин Хамроқулов ёшлар мураббийси, спорт мактабида, маҳаллада соғломлаштириш ишларини муваффақиятли амалга ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кўтаринки кайфият бағишловчи мусика садолари янграмоқда. Унутилмас спорт байрамимга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан энг кучли меҳнатчи-спортчи аёллар ташриф буюришган. Улар бир неча кун давомида спортнинг волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, шашка ва бошқа турлари бўйича голиблик номини қўлга киритиш учун куч синашдилар. Очилиш тантанасида ўзгача бир тантанаворлик ҳужм сурди. 300 нафардан зиёд хотин-қизлар майдонда махсус байрам дастурини намойиш этдилар. Болалар дастаси, сўнгра ажойиб миллий кийимлари билан барчани лол қолдирган қизлар гуруҳи «Шодиёна» рақсини маҳорат билан ижро этдилар. Самарқанд шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари байрам намойишига ўзига хос жозиба бахш этишди. Яшил майдон узра қаратэ, гимнастика, чим устида хоккей ва бошқа спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Узбекистон мадҳияси тантанавор янграйди. Спартакиада байроғи тантанали суратда кўтарилди. Спорт байрами ташкилотчилари унинг иштирокчилари ва ўйингоҳга йиғилган барчани самимий табриқлайдилар. Ҳаяжонли, узок вақт ёдда қоладиган онларда спортимиз фахрийлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон довуғини тараққийлатганлардан бир гуруҳига қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

19 май. «Самарқанд» марказий ўйингоҳи байрамона безатилган. Барчага қишлари остида маррага биринчи бўлиб самарқандлик Исламовлар оиласи етиб келишди. Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари Алламуродовлар иккинчи бўлишди. Улар махсус мукофотлар эгаси бўлишди. Спорт заллари, ажойиб тарза безатилган ўйингоҳларда меҳнатчи аёлларнинг бахслари қизгин давом этди.



Шарифжон ЁҚУБОВ, шашка бўйича мусобақа бош қотиби
Ёшим саксон бирда. Спорт билан ошно бўлиб кам бўлмадим. Саломатлигим жойида, унча-мунча полвон билан бемалол кураш туша оламан. Бахтим шуки, шашка бўйича 17 марта республика чемпиони бўлганман. Ҳозир маҳоратимни ёшларга ўргатаман. /
Мазкур спартакиадада 14 жамоадан 28 киши қатнашди. Ишчи аёллар кўп нарсасга қодир эканликларини кўрсатишди. Самарқандлик спорт устаси Л.Иброҳимова, Фарғонадан спорт устаси З.Сафина, Намангандан К.Мирзаевалар маҳоратига кўпчилик

қойил қолди. Республика хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган спартакиаданинг аҳамиятини тартибга солинган. Инсон учун энг муҳими саломатлик. Ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом, ҳар томонлама камолатга эришган ҳолда кўришни орзу қиламиз. Республика Аёллар спартакиадаси ана шу улуг мақсадлар учун хизмат қилади.

Санамоҳаммад ПРИМОВА, Хоразм вилояти волейбол жамоаси аъзоси
Аёллар камолатини таъминлашда волейбол спортининг алоҳида ўрни бор. Унга қизиқувчилар сонини тобора ортиб бораётганига мазкур спорт байрамида чуқур ишонч ҳосил қилдим. Мусобақалар кизгин кураш остида ўтди. Хоразмлик волейболчи қизларимиз ҳам бўш қелишмади. Айниқса Урганч туманидаги Муқимий номи мактабининг 8 нафар спортчидан хурсандимиз. Улар юксак маҳорат эгаси эканлигини намойиш этдилар.

Касаба уюшмалари Аёллар йили дастури доирасида ҳайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Узим ҳам меҳнат жамоаларида бўлиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшялман. Спартакиада ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдири. У аёлларни эъзозлаш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

ЦЕХЛАРАРО МУСОБАҚА
Тошкент кишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш ҳисдорлик жамиятида цехлараро спорт мусобақалари ўтказиш аниқланган. Ишчи-хизматчиларнинг маданий ҳордиқ чикаришлари учун барча шароитлар мавжуд. Жамият маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан яқинда спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.
Футбол уларнинг энг севимли машғулотидир десак муболага бўлмас. Яқинда «Машинасозлар» майдонида 9 май-Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган биринчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу бахсларда 8 жамоа 2 гуруҳга бўлиниб иштирок этишди.
Финал бахсларида 3-цеҳ жамоаси биринчи босқич голиби бўлди. Умуман шу кунги яшил майдонга йиғилганлар Тошпўлат Сунонов, Ҳамза Қодиров, Сергей Басько, П.Соломин, Олим Тожиёв, Сиддик Маматқуловларнинг чиройли ўйинларидан мамун бўлишди. Улар нафақат ишда, ҳатто майдонда ҳам нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.
Мусобақа якунида қорхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан голибларга қимматбахо совғалар тақдим этилди.
Шавкат АБДУЛЛАЕВ.

Президентимизнинг шу йил 12 май кунги матбуотда эълон қилинган Фармойиши халқимиз томонидан катта кувонч билан қўлиб олинди. Мазкур ҳужжатда мустақиллик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва таъзияларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми шарифини аниқлаш, таржимаи холи, фаолиятини ўрганиш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш кўзда тутилган. Бунинг учун жамоатчилик комиссияси тузилиб, унинг фаол иш олиб бориши учун мамлакатимиздаги барча архив муассасалари яқиндан ёрдам бериши кўрсатиб ўтилган. Ҳўш, архив муассасаларининг бугунги аҳволи қандай? Улардаги ҳолат комиссиянинг самарали фаолиятини таъминлай оладими? Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурлидаги Давлат Бош архив бошқармасининг ҳужжатлардан фойдаланиш ва нашр этиши бўлиши бошлғи Раъно Файзиёва билан суҳбати ана шу ҳақда бўлди.

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ - ТАРИХ КЎЗГЎСИ
Ҳужжатларни алоҳида-алоҳида муҳофазахоналарда сақлаймиз. Ҳар бир даврга оид ашё тарихий аҳамияти, кадр-қиммати ва турига қараб жойлаштирилган. Бу уларнинг сифатли, асл ҳолига сақланишига ёрдам беради. Архив ҳужжатлари билан ҳар йили 550-600 нафар тадқиқотчи

учун «Архив атамалари» номи лугатини нашрга тайёрладик. Шўро мустақиллик даврида, хусусан, 20-40 йилларда халқимизнинг фидойий фарзандларига ноҳақ сиёсий айбон қўйилиб, турли жазога маҳкум этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш борасида 1993 йилдан эътиборан иш бошланган эдик. Архив маълумотларига таяниб, қарагонга ураган бир неча ватандошларимизнинг номларини абадийлаштиришга ҳаракат қилдик. Аммо биз қанчалик уринмайлик, бари-бир бу борада кўнглидагидек ишларни амалга оширдик, деб айта олмаيمиз. Чунки, тарих катламларида яшириниб ётган маълумотлар шунчалик кўпки, уларни ўрганиб чиқиш соҳа мухтаassisлардан, тадқиқотчи олимлардан катта меҳнат талаб қилади. Президентимизнинг бу борадаги Фармойиши эълон қилинган, бу ишларни жонлантириш, ҳар жойда сочилиб ётган архив ҳужжатларини жамлаш, аниқ тадқиқотлар олиб бориш учун янада кенг имкониятлар яратилди.
Уктам ДҮСТЕР,
Ўза мухбири

Хар тўғрида
тузишга илҳомлаштирган. Бу девоннинг «Хофиз китоби» деб аталган иккинчи жилди бошдан-охир Хофизга бағишланди.
КЕНГ ОММАЛАШГАН АСАР
«Калина ва Димна» ҳинд тилидан араб тилига таржима бўлган. Бу асар икки йилдан зиёдроқ вақт ичида санскрит тилида ёзилган эди.
Ҳинд халқидан қолган бу кўхна адабий мерос дунё бўйича кенг оммалашган асар 50 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Унинг ўзбек тилида бўлган таржималаридан беш хил нусхаси Ўзбекистон фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, «Калина ва Димна» ўзбек тилига дастлаб XIII асрда таржима қилинган.
«Энциклопедия» сўзи дастлаб қадимги юнонларда пайдо бўлиб, «Билимлар тўплами» кишиларни тарбиялаш учун зарур бўлган «Билимларга ўргатиш» маъноларни англатган. Кишилар қадим замонлардаёқ ўз даври илмларини бир бутун тўпламларда баён этишга уриниб кўрганлар. Аристотель, Фаробий, Ибн Сино, Беруний каби буюк алломаларнинг асарлари ҳам ўз давридаги билимларини атрофлича қамраб олган.
Шу сабабли, «Энциклопедия» сўзи фақат XVII асрдан бошлаб фаннинг бир ёки бир неча соҳалари бўйича илмий маълумотларни тизимга солган ҳолда баён этувчи ишларнинг номи маъносидан қўлланиладиган бўлди.
Энциклопедиянинг ҳақиқий тарихи XVIII асрнинг ўрталарида Францияда 35 жилдли «Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-хунларнинг изоҳли лугати»нинг чоп этилиши билан бошланди. Бу нашр турли мамлакатларда чоп этилган энциклопедиялар учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Франция Фандар академияси Француз тилининг энг мукамал грамматикасини тузиш учун 297 йил тинмай илмий иш олиб борган. Буни қарангки, ҳар тўққизда бир айб дегандек, китоб 1932 йилда нашр этилгандан кейин ундан 50 та хато топишган.

Дунё адабиётининг энг буюк намоёндалари бўлмиш Гомер ва Сукрот умрларида бир сатр нарса ёзмаганлар. Улар ўз асарларини ёдларида сақлаб юрганлар.
Бунинг сабаби шуки, Гомер ҳам, Сукрот ҳам бизнинг кўпчилик бахшларимизга ўхшаб на ўқишни, на ёзишни билишган.
А.АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH
Муассис: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул қотиб - «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.
Телефонлар: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Матбуотимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти: — 22.00. Топширилди 23.00
Буюртма Г— 0376. Набатчи муҳаррир — Ф. Юсуфов. Набатчи — А. Айзюв. 1 2 3 4 5 6